



Аёл —
нафосат
гулшани

Наврўзинг - янги кун,
янги давронинг
муборак, жонажон
Ўзбекистоним!

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 9-10 (694)
2020 йил
6 март,
Жума


Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru

ТИНГЛОВЧИНИ АЛДАМАЙДИ

Ўн олти нафар со-
зандани ҳам тин-
дирмади, ўзи ҳам
танаффуссиз уч
соат қўшиқ айтди. 6 та қў-
шиқ айтгандан кейин ҳозир
кийим алмаштиргани кета-
ди, деб ўйладим...



Демак, репититор керак!



Тўлақонли тартиб
қачон йўлга
қўйилади?

СУПЕР
КОНТРАКТ

УНИНГ
ИСРОФИ —
ГУНОХ

СИЗ
ЎЗБЕК
ФАРЗАНДИСИЗ

ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури тасдиқланди.

Сиёсат майдонида ҳам фаол

Аёл — оиламиз кўрки, қувончи, файзу фариштаси, хонадонларимиз чароғбони, умуман айтганда, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳамиша эъзозда ва эътиборда. Оилада ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашда уларнинг ҳиссаси беқиёс.

Мамлакатимизда опа-сингилларимизнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оиладаги нуфузини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг манфаатлари қонунларда акс этаётгани, шунингдек, бу борадаги ҳуқуқий асоснинг такомиллаштирилиб борилаётгани эътиборга молик.

Эътироф этиш керак, сўнгги уч йилда юртимизда гендер тенгликни таъминлаш ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролин оширишга қаратилган давлат сиёсати рўёбга чиқарилмоқда. Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида сайлов жараёнида аёлларнинг иштироки бўйича сезиларли ютуқларга эришилганини кўриш мумкин. Хусусан, ўтган йили рўйхатга олинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг 42,1 фоизини аёллар ташкил этиб, сайловлар натижаларига кўра, 48 нафар аёл депутат

этиб сайланди. Бу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан икки баробар кўп демек. Шу рақамнинг ўзидек мамлакатимизда



хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва имконият катта эканини исботлайди. Бинобарин, Сайлов кодексига мувофиқ, аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги белгиланган.

Парламентда, умуман, сиёсат майдонида аёллар иштироки кенгаётганининг муҳим жиҳатлари бор. Аввало, бу

халқчил қонунларнинг яратилишига, ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар ва оилалар масалалари устуворлиги таъминланишига хизмат қилади.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида ҳам аёллар масаласига оид вазифалар алоҳида белгилангани диққатга сазовор. Чунончи, унга мувофиқ, касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар учун кундалик ҳаёда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, жумладан, тикувчилик, пазандлик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чоралари кўрилади. Албатта, бу оилалар фаровонлигини таъминлаш, опа-сингилларимиз имкониятларини кўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, биз депутатлар жойлардаги учрашувларимизда хотин-қизлар масаласига янада жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Уларнинг ҳаёти, оиласи билан танишимиз, қийнаётган муаммоларини ўрганишимиз керак. Шундагина аёл бахтли бўлса, оила мустаҳкам бўлади, деган эзгу мақсадга хизмат қилган бўлаемиз ва унга эришамиз.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

“Электрон парламент” ТИЗИМИ

Давлатимиз раҳбари “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги фармонни имзолади.

Таъкидлаш жоиз, мазкур Давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, такомиллаштирилди. Фуқароларимиз билдирган таклиф-тавсиялар тегишли соҳа мутахассис-

лари ва экспертлар иштирокида чуқур таҳлил қилиниб, Давлат дастури лойиҳасида ўз аксини топти.

Эътиборлиси, Давлат дастурида 2020 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги муносабатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобил иловадан фойдаланиш имконини берувчи “Электрон парламент” тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур янгилекларнинг фаолиятимизга кенг татбиқ этилиши фуқаролар манфаатларининг таъминланиши, қонунларнинг шишиқ-пухта бўлиши ҳамда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга ўз вақтида ечим топишда муҳим омил бўлади.

Фахриддин САМАДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Эсингизда бўлса, ўтган йили Тошкент шаҳар метрополитенида ҳали ҳам “жетон”лардан фойдаланилаётгани, тегишли идора ва муассасалар томонидан аҳолига қулайлик яратиш учун мазкур соҳага замонавий тўлов воситалари, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмагани депутатлар корпуси томонидан танқид остига олинган эди.

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада олиб борилаётган ислохотлар фуқароларимиз манфаатига қаратилган. Албатта, ислохот дегани янги ғоя, янги ташаббуснинг ҳаётга жорий этилишини, янгилек, ўзгариш юз беришини аниқлатади.

Тўлақонли тартиб қачон йўлга қўйилади?

Бугун дунёда электрон тўловлар тизими кенг қўлланилган. Ҳаттоки, мобил смартфонларга ўрнатилган дастурлар орқали NFC тўлов тизимлари жорий этилмоқда. Айни пайтда алоқасиз тўлов тизими Лондон, Прага, Сингапур, Киев ва Санкт-Петербур каби дунёнинг кўплаб шаҳарларида жорий этилган.

Тошкент метрополитени-

да ҳали-ҳануз эскича тартибда жетонлардан фойдаланиб келинаётгани, бу тартибдан тўлақонли воз кечилмаётгани фуқароларнинг жамоат транспортларидан фойдаланишида қатор ноқулайликларни келтириб чиқараётгани сайловчилар билан учрашувларда ҳам бот-

бот айтиляпти.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамиз бўйича жамоат транспортда бир кунда 3 миллионга яқин, йил давомида эса 1,1 миллиард нафардан ортиқ йўловчи хизмат кўрсатилмоқда.

2019 йилда Ҳукуматимизнинг “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташишда йўлқира


ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб, умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини Тошкент шаҳрида «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ва «Тошкент метрополитени» УКнинг айрим йўналишларида кўрсатилган йўловчи ташиш хизматлари учун жорий этиши белгиланган эди.

Бироқ ҳали-ҳамон жамоат транспортларидан фойдаланишда электрон тўловлар тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тўлақонли йўлга қўйилмагани қайд этилди.

Шу сабабли, Ўзбекистон “Адолат” СДП Қонунчилик палатаси фракцияси масъул ташкилотлар томонидан Ҳукумат қарори ижроси қай даражада таъминланганлик масаласини жойларда ўрганиш бўйича амалий ишлар бошланди.

Ўрганишлар натижаси юзасидан халқимизга таҳлилий маълумот берилди.

Дилшод ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорни имзолади.

Инсонпарварлик намунаси

дунё ҳамжамияти нигоҳида

Пойтахтимизнинг “Hilton Tashkent City” меҳмонхонасида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ҳамда республика давлат идоралари ҳамкорликда ўз иш-ни бошлаган халқаро конференция Термиз шаҳридаги “Барқарор Ҳаёт” нодавлат нотижорат ташкилотидан давом этди. У “Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осиё мулоқоти: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция шаклида ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг вазирлик, идора ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилот ва дипломатик ваколатхоналар ходимлари, шунингдек, бир қатор хорижий экспертлар иштирок этди. Ўзбекистон эксперт-таҳлил доиралари ва жамоатчилиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Меҳнат, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита, Президент ҳузурдаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Республика реабилитация маркази ва бошқа ташкилотлар ҳам қатнашди.

Шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги ва минтақавий ваколатхоналари, АКШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси раҳбари ва вакиллари, Нур-Султон ва Бишкек шаҳарларининг мерияси раҳбарияти, ички ишлар идоралари, Дин ишлари бўйича қўмита ва бошқа тегишли идоралардан иборат кўшни Марказий Осиё давлатларининг етакчи экспертлари иштирок этди.

Икки ялпи тематик сессиялар шаклида бўлиб ўтган конференцияда “Қайтиб келганларни реинтеграция қилишнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари: миллий амалиёт шарҳи” ва “Реабилитация жараёнида ижтимоий дастурларнинг роли” каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

Конференциянинг асосий ва амалий қисми сифатида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), “Оила” марказининг ҳудудий бўлимлари ва бошқа ташкилотларнинг қайтиб келганларни реинтеграция қилиш бўйича олиб бораётган ишларини ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига ташриф уюштирилди.

Мазкур халқаро конференциянинг асосий мақсади тиббий ёрдам, таълим ва бошқа ижтимоий дастурлардан фойдаланиш, шунингдек, психологик-ижтимоий ёрдам таъминлаш масалаларини ўрганиш; хорижий давлатлар учун қизгин муҳокама қилинадиган масалалар бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш; ушбу соҳаларда Ўзбекистоннинг ижобий тажрибасини минтақавий ва халқаро ҳамжамиятга етказишдан иборат.

Ҳозирги кундаги долзарб масала Ўз-



бекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўламли ислохотлар доирасида экстремизм билан боғлиқ жиноятларда айбланган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш мақсадида аҳолини “жаҳолатга қарши маърифат” шиори остидаги радикаллаштиришдан эрта огоҳлантириш доирасида тизимли иш олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан бундай фуқароларнинг тўлиқ ҳаётга қайтишлари учун шароит яратишга қаратилган бир қатор аниқ чоралар қабул қилинмоқда. Хусусан, 2017 йил июнь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан фуқароларни реабилитация қилиш йўлида қатъий қалам қўйилди. Радикал эътиқодларнинг хатоларини англаган ва давлат учун хавф туғдирмайдиган радикал ҳаракатлар тарафдорларнинг “қора рўйхатлари” қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон вилоятларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, диний ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда фаол иш олиб борган ҳолда экстремистик ғоялар таъсирини адашиб тушиб қолган фуқ-

вобгарликдан озод этилиши, уларни жамиятга реинтеграция қилиш имкониятини таъминлаш тартиби тасдиқланди. 2017 йилдан бери диний экстремистик ҳаракатларга алоқадор шахсларни реабилитация қилишдаги муҳим қадимлардан бири уларга нисбатан авф этиш актидан фойдаланиш бўлди. Ўзбекистонда бу чора қамоқда жазо ўтаётган 4 минг нафардан ортиқ фуқарога нисбатан қўланилиб, улар қилмишларидан чин дилдан тавба қилган ва ўзини ўзи тузатиш йўлига қатъий киришган инсонлардир.

Шу нуқтаи назардан, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида мисли кўрилмаган чора-тадбирлар — “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик ҳаракатлари 2019 йилда мамлакат Президенти томонидан ўтказилиб, ушбу тадбир доирасида 261 нафар аёл ва бола яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли тўқнашулар ўчоқларидан қайтарилди. Эрта реабилитация қилиш ва жамиятга реинтеграциясини осонлаштириш мақсадида бундай кишиларга ўз вақтида тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат даражасида чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Бугунги кунга келиб, барча репатриантлар тинч ҳаётга мослашишлари

шаҳар ижтимоий ривожланиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Л.Губина. — Ўзбекистон Президентининг бу борада кўрсатган инсонпарварлик позицияси ҳар қанча таҳсинга сазовор. Биз, қайтариб олиб келинган болалар ва аёлларни реинтеграция қилиш йўналишида хайрли ишлар амалга оширилганини кўрдик. Мамлакатда нафақат минтақадаги давлатлар, балки дунё ҳамжамияти ўрганас арзийдиган тажрибага гувоҳ бўлдик. Бу саяё-ҳаракатлар биз учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Шу каби анжуманлар орқали мамлакатда инсон кадрининг юксаклиги дунё ҳамжамияти нигоҳига ҳам тушиши табиий.

Анжуман иштирокчилари “Барқарор Ҳаёт” нодавлат нотижорат ташкилотининг тикувчилик, миллий ҳунармандлик, қандолатчилик ва бошқа ўқув хоналарида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Ижтимоий ҳаётга мослашаётган аёллар ва болалар билан суҳбатлашди.

— Уруш майдонларидан олиб келинган аёллар ва болаларга кўрсатилаётган гамхўрлик жуда яхши йўлга қўйилди, — дейди Олма-ота шаҳар вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш марказининг дин бўйича мутахассиси Л.Рисакова. — Сурхондарёга келиб, ўзимизга тегишли кўп нарсани ўргандик. Менга реабилитация жараёнида диний компонентларнинг ўрни бўйича олиб борилаётган ишлар жуда ёқди. Албатта, Қозоғистонга борган, бу тажрибани ўзимизда ҳам қўллашга қарор қилдим.

Умуман олганда, дўстона ва конструктив муҳитда ўтган ушбу тадбир давомида огоҳликни ошириш билан боғлиқ кенг қўламли масалалар муҳока-



ЎЗА олган суратлар.

учун зарур шарт-шароитлар — жамиятга интеграциялашуви, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларга кириш, шу жумладан, уй-жой ва бандлик каби шароитлар яратилди.

Сайёр йиғилишда иштирокчилар “Барқарор Ҳаёт” нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишди. “Барқарор Ҳаёт”нинг психолог, ижтимоий, диний йўналишлардаги реабилитация ва реинтеграция ишлари акс этган слайдлар намоиши

этилди. — Бу масала фақат битта давлат ёки ёт ғоялар ордан эргашиб, йўлидан адашган шахсларнинг эмас, балки дунё халқларини ўйлантираётган, ташвишга солаётган жиддий муаммолардан, — дейди Қирғизистон Республикаси Бишкек

қилинди. Хусусан, реинтеграция ва диний-экстремистик ҳамда террористик ташкилотларга боғлиқ шахсларни реабилитация қилиш соҳасида Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти сиёсатининг ҳозирги ҳолати, устувор йўналишларига эътибор қаратилди. “Қайтиб келганлар”ни реабилитация қилиш бўйича муҳокама платформасини (маҳаллий ва халқаро экспертлар доирасида) яратиш, шунингдек, Марказий Осиё ҳамда кўшни мамлакатларда улардан фойдаланиш учун самарали, амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳам таъкидланди. Шу билан бирга сайёр йиғилишда хорижий экспертлар ва маҳаллий ҳамкорлар иштирокида мазкур йўналишда воҳадга саяё-ҳаракатлар атрофида таҳлил қилиниб, тегишли таклиф ва тавсиялар белдирилди.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Жамият” муҳбири

“**Анжуман иштирокчилари “Барқарор Ҳаёт” нодавлат нотижорат ташкилотининг тикувчилик, миллий ҳунармандлик, қандолатчилик ва бошқа ўқув хоналарида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Ижтимоий ҳаётга мослашаётган аёллар ва болалар билан суҳбатлашди.**

роларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш бўлди.

Шунингдек, 2018 йилнинг сентябрь ойида террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳларга адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларининг жиноий жа-

“Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида илк пўлат эритилганига 5 март куни 76 йил тўлди.



Аёл — нафосат улшани

Аёл — жамият гултожи, меҳр ва муҳаббат тимсолидир. Дунёнинг ҳеч бир жойида ўзбек аёлидек тонг отгунча бедор бешик тебратадиган, фарзанди учун тандирда ширин кулчалар ёпадиган, боласининг кўзmunчоғини кўзига сура-диган меҳрибон, куюнчак она бўл-маса керак.

Бинобарин, аёлни эъ-золлаш, унга оила таянчи, миллат тарбиячиси сифатида эҳтиром кўрсатиш, бунга узвий равишда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айни йўналишда мустақкам ташкилий-ҳуқуқий асос шакллантирилиб, хотин-қизларнинг ҳаётини манфаатларини кафолатлаш қамрови тобора кенгайиб бораётир.

Яратган аёлларимизга ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган сеҳрни, меҳрни ато этган. Шу сеҳр аёл фарзандига оқ сунт берганида, бағрига босганида, бешик кучиб, алла айтганида болага ўтиши маълум. Инсонлардаги меҳр-муҳаббат, адолат ва садоқат, инсофу диёнат каби хислатлар ана шу сеҳр мевасидир.

Аёл фарзандини яхши ни-ятлар ила дунёга келтиради. Келажаги яхши бўлиши учун елиб-югуради ва албатта, ундан яхшиликни кутади. Лекин у ниманинг эвзига...

Фарзанди тета-поя бўлар-бўлмас, айрим ота-оналаримиз чет давлатларга ишлагани кетади. Боланинг келажаги нима бўлади? Тўғри, ота-она, қариндош уругга қолдириши мумкин. Лекин болага бунинг қандай таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто, чумчуқ боласини учирма қилгунча атрофдаги ёмон кўзлардан асраш учун жон-жаҳди билан курашади, оғзи билан тўйинтиради. Биз инсонмизку!

Аёл — жуссаси нозикки-на бўлса-да, метин ирола-си, дарёдай тошқин меҳру

муҳаббати билан ҳаётимизни чароғон этиб туради. Бахтли кунларимизда биздан-да кўпроқ қувонади, бахтсиз онларда эса куюнади.

Шунинг учун бўлса керак, бундай пайтларда беихтиёр унга талпинамиз, таянамиз, гўё у барча дардларга малҳамдек. Аслида ҳам шундай.

Талбиркор аёл. Бугун бу сўз ўзбек аёли учун бегона эмас. Улдабурон, талбиркор, фидойи аёлгина эътибор қозона олади, ҳаётда янгилик ярати-б, атрофдагиларга ёрдам беришга қодир бўлади. Бугун юртимизда бундай аёлларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Тарихда юрт равнақи, миллат келажаги учун фидойилик қилган не-не аёллар ашаб ўтган. Улар давлат бошқаруви билан бирга нафосат, фаросат, меҳр, самимият билан ишонч ва ҳурмат қозонган. Энг асосийси, улар оиладаги бурч ва вазифаларини ҳам унутишмаган. Ана шу жиҳатлари билан шарқ аёли ҳаммиса устун ва қадрли бўлган.

Бугун аёлларимизнинг давлат ва жамият ҳаётига интеграцияллашуви сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди. Хотин-қизларимиз мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча жабҳасида муносиб фойлият юритмоқда. Улар нафақат навқирон авлодни тарбиялаш, балки sanoat ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишга ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, мунис ва муҳтарам, мўътабар аёлларимизни баҳорнинг илк байрами — 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин юракдан муборакбод этамиз. Она Ватанга муҳаббат туйғуси юра-тида ёлқинланаётган аёллар бор экан, бу заминда, бу юр-да фидойи авлодлар туғилаве-ради, улғайаве-ради!

Фарҳоджон ХҲҲАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ФВВ академияси
ўқитувчиси,
капитан

Демак, репититор керак!

Халқ таълими вазирлигининг расмий сайтида эълон қилинган маълумотларга кўра, умумтаълим мактабларининг 10, 11-синф ўқувчилари фанларни ихтиёрий танлов асосида ўқиши ишлаб чиқилган. Унга кўра, ўқув тизими беш йўналишда амалга оширилади:

ки; репититорда тайёрланса!
Бу янгилик, албатта, яхши. Бу тизим ишга тушгандан кейин ўқитувчиларимиз ҳам доимо ўз устида изланиш олиб бориши ва малакасини ошириши керак.

Наврўза РАҲМАТОВА:

— Мактабларда 10, 11-



1. Ижтимоий гуманитар;
2. Хорижий тил ва филология йўналиши;
3. Иқтисод йўналиши;
4. Технология йўналиши;
5. Табиий фанлар йўналиши.

батни юзага келтиради. Чунки 10,11-синфга бошқа фанлар ўзлаштирилган бўлса, 2 йил ўз устида фақат танлаган йўналишдаги фанлар билан ишлайди. Ҳозирда репититорда тайёрланаётганлар орасида ўрта махсус, касб-хунар таълими ва мактабни тугатганлар, мактаб ўқувчилари ҳам бисёр. Бундан кўзланган мақсад бита — олий ўқув юрти талабаси бўлиш.

Репититорда тайёрланиш оила бюджетига ҳам анчагина зарар келтиради. Чунки репититорда битта фандан бир ой тайёрланиш ўртача ҳисобда 200 минг сўм бўлса, бир йиллигини ҳисоблайверинг. Унутмаслигимиз керакки, репититорлар ҳам айнан мак-

синф ўқувчилари фанларни ихтиёрий танлов асосида ўқиши, ўқувчининг олий ўқув юртига кириши имтиҳонига бўлган тайёргарлигини мустақкамлайди. Ўқувчилар вақтидан унумли фойдалана олади ҳамда рақобат кучайиб, кўпроқ ўз устида ишлай бошлайди. Аммо бу билан репититорга бўлган талаб умуман йўқ бўлиб кетмайди. Сабаби, мактаб, академик лишей ёки касб-хунар коллежини битириб, олий ўқув юртига кира олмаган ёшлар ҳам кўп. Репититор аслида ана шу ёшларимизга зарур. Тўғри эмасми? Фикримча, 10, 11-синфлар ўртасида ҳам репититорда тайёрланишни афзал биладиган ёшлар топилади. Бунга сабаб, афсуски, барча ўқитувчилар ҳам ўз касбининг моҳир биллимини эмас.

Юқорида бир-бирига мутаносиб ёки қарама-қарши бўлган бир нечта фикрни кўриб чиқдик. Хулоса ўзингиздан, албатта.

Янги ишлаб чиқилган ўқув тизими ўқувчиларнинг вақтини ва сарф-харажатни тежайди. Агарда бу тизим синов мuddатида яхши натижа кўрсатадиган бўлса, репититорга бўлган талабнинг камайишига ишончимиз комил. Бу янгилик мактабда дарс ўтадиган ўқитувчиларга ҳам жуда катта масъулият юклаши табиий. Бинобарин, доимо изланишда бўладиган, ёшлар билан ишлайдиган ҳамда ёшларнинг қизиқишига қараб тўғри йўналиш бера оладиган ўқитувчилар зарур.

Муроджон РАҲМАТОВ,
ЎзЖОКУ талабаси

“ Юқори синф ўқувчилари ихтисослаштирилган, яъни, ўзлари қизиққан йўналиш фанларини ўрганиши репититорга бўлган талабни тушира олмайди. Чунки жамиятимиздаги кўп ота-оналар ҳамда ёшларнинг миясига бир фикр сингиб қолган. Яъни, ёшлар қачон ўқишга киради? Қачонки, репититорда тайёрланса! ”

биладими ёки мактабда фанларни тўлиқ ўзлаштири оладими?

Мазкур масала юзасидан бир қанча ёшларнинг фикрини билишга ҳаракат қилдик.

Дурдона БАҲОДИРОВА

— 10-11 синф ўқувчилари ўзлари қизиққан фанларни ўргана, албатта, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, мен филология ва хорижий тилларга қизиқсам, олий ўқув юртига киришим учун 10,11-синфда тилларни яхши ўрганиб, ўзим танлаган фанлар билан кўпроқ шугулланардим. Бу эса ёшлар ўртасида соғлом рақо-

табда ўрганган китобларимиздан дарс ўтади. Биз мактабда фанларни кунт билан ўрган-сак, репититорга эҳтиёж қол-маслиги аниқ.

Умиджон АЛИМАРДОНОВ:

— Юқори синф ўқувчилари ихтисослаштирилган, яъни, ўзлари қизиққан йўналиш фанларини ўрганиши репититорга бўлган талабни тушира олмайди. Чунки жамиятимиздаги кўп ота-оналар ҳамда ёшларнинг миясига бир фикр сингиб қолган. Яъни, ёшлар қачон ўқишга киради? Қачон-



2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдиндан молиялаштиришга қаратилган Экспорт-кредит агентлиги ташкил қилинади.

Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!

Қишнинг рутубатли кунлари ортида қолди. Кўнгил баҳорни соғинди. Шу боис фасллар келинчаги бошланиши биланоқ беҳад қувондик. Қуёшнинг илиқ тафти диллардаги беғубор орзуларга қанот бермоқда. Президентимиз томонидан “2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарор имзоланиши эса қувончимизга қувонч қўшди.

Хужжатда қайд этилишича, янгиланиш ва яшариш айёми жойларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонланади.

Байрам концепцияси ва дастури “Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!” деган бош гоияни ўзида мужассам этади.

Афзал РАФИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ артисти:

— Президентимизнинг ушбу қароридида Наврўзни халқ сайли тарзида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чиндан ҳам, бу шодиёна орқали одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, бир-бирини йўқлаб, кўмаклашишдек эзгу гою улуғланади. Мисол учун, сумалак тайёрлаш асносида кўни-кўшнилларнинг бир жойда жам бўлиши, ўзаро диллашуви, фарзанд ва набираларининг дошқозон атрофида шеър уқушлар айтиши ҳамжиҳатликка хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак, мазкур айём минг йиллар давомида эъзозлаб келинади, табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг сеvimли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрланади.

Муродилла ФАЙЗИЕВ,
Ургут туманидаги
“Мангитобод” маҳалла
фуқаролар йиғини раиси:

— Қалбларга баҳор нафаси, қадимий Наврўз шукуҳи ина бошланган шу кунларда юртдошларимиз ён-атрофга, кўча-хиейбонларга оро беришга киришди. Шу боис давлатимиз раҳбарининг “2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини кўтаринки руҳда қутиб олдик. Маҳаллаимизда 7000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар билан баҳамжиҳат ташкилий ишларни амалга оширишга киришдик. Хусусан, уюшқоқликда ҳашар ўтказиш, барча кўчани обод қилишни маҳаллаимиз фаоллари билан белгилаб олдик. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар ва ногирон-



лиги бўлган шахсларга ҳам кўмак бериш бўйича маслаҳатлашяпмиз.

Бахтиёр МАЪМУРЖОНОВ,
Тошкент вилояти Зангиота тумани
“Обод турмуш” маҳалла
фуқаролар йиғини фаоли:

— Бугун Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароит ва ғамхўрлик, аҳоли саломатлигини асраш борасидаги туб бурилиш — буларнинг барчаси инсон қадри улуғланаётганининг, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилаётганининг ифодасидир. Президентимиз ташаббуси билан Наврўз байрамининг халқ сайли сифатида нишонланиши айна муддао. Мазкур хужжатга кўра, барча шаҳар ва қишлоқларда Наврўзнинг тарихи, мазмуни ҳамда фалсафасини, ушбу байрамни ўтказиш билан боғлиқ урф-одатлар, қадрият ва анъаналарнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини ўзида мужассам этган оммавий сайилни ўтказиши ҳам ҳар томонлама ибратдир. Қолаверса, бу кунларда ёрдамга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар

ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга қаратилган савоб ишлар, хайрия тadbирлари ва оммавий ҳашарларни амалга ошириш юртимиз равнақида хизмат қилиши, шубҳасиз. Қолаверса, булар орқали ёшлар эзгуликка ошно бўлиши, қадриятлар бардавомлиги таъминланади.

Раҳматилла КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси,
Учтепа тумани:

— Давлатимиз раҳбарининг қарори билан жорий йилги Наврўз сайилларида фольклор санъатининг энг яхши намуналарига кенг ўрин бериш, унармандлик кўргазмаларини ташкил этиш, ибратли оила, ибратли маҳалла, ибратли мактаб, моҳир бахши, моҳир лапарчи йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш, адабий-бадий учрашувлар, китоб байрамлари ташкил этилиши ҳам ўзига хос янгиликдир.

Наврўз ҳаммамизни беғубор орзулар, мусаффо ниятлар қилишга ундайди. Зотан, инсон ҳар доим орзу-ҳаваслар огушида яшайди. Айниқса, бизнинг болажон халқимиз фарзанд туғилганда яхши ният билан кўчат ўтказди. Фарзандининг эзгу орзулари ижобат бўлишини астойдил истайди. Қисқача айтганда, зурриёдининг ёрқин келажоги учун яшайди. Муҳими шундаки, эртанги кун эгаларига бундай ғамхўрлик билан қараш бугун давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада қабул қилинган қарорлар, жумладан, болалар тарбиясига боғча ёшиданок жидий аҳамият қаратишга оид сайё-ҳаракатлар, энг чекка қишлоқларда ҳам мактабгача таълим маассалари бунёд этишга киришилгани қалбларимизга туганмас қувонч олиб кирди.

Бинобарин, Наврўз нафақат эзгу тантаналар шодиёнаси, шу билан бирга, яратиш, яшатиш; бунёдкорлик айёми ҳамдир. Айни пайтда бундай ишлар юртимизни жаҳонга танитишда ҳам муҳим омил саналади.

Дилбар МАҲМУДОВА

ЭЪЛОН

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Toshkent mintaqaviy filial” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

“OLMAZOR KICHIK SANOAT ZONASI” AJ ning 2020 йил 9 январдаги №1 сонли буйруқ ва 2020 йил 3 мартдаги № 4а/34сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар Олмазор тумани Янги Олмазор кўчаси 51-уй манзилида 1. “Дамас” русумли, Давлат рақами 01/788 АСА бўлган 1996 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бошланғич баҳоси- 5 740 528 2. “Газ 3102” русумли, Давлат рақами 01/789 АСА бўлган 2001 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бошланғич-17 821 652. 3. “Газ 3102” русумли, Давлат рақами 01/792 АСА бўлган 2005 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт бошланғич баҳоси-20 159 365 4. “УАЗ 396201” русумли, Давлат рақами 01/344 ЕВА бўлган

1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт бошланғич баҳоси — 10 179 180 5. “ЗИЛ 130 В” русумли, Давлат рақами 01/335 ЕВА бўлган 2005 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт бошланғич баҳоси-8 588 000 6. “МАЗ 5549” русумли, Давлат рақами 01/786 АСА бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт бошланғич баҳоси-6 789 779 7. “Газ 5204” русумли, Давлат рақами 01/314 DDA бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт бошланғич баҳоси-9 859 100 8. “ГАЗ 66” русумли, Давлат рақами 01/316 DDA бўлган 1987 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт бошланғич баҳоси — 16 171 703 9. “ГАЗ”5327 ру-

сумли, Давлат рақами 01/342 ZCA бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бошланғич баҳоси-6 087 600 10. “ОДА3885” русумли, Давлат рақами 01/2910AA бўлган 1980 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бошланғич баҳоси 4 773 750 сум аукцион савдосига қуйилмоқда.

Аукцион савдолари 2020 йил 9 март кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 7 март кунни соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2020 йил 9 март уни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 16-23 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Ари-

заларни қабул қилиш: 2020 йил 16 март, савдолар учун 13 март соат 16:00; 23 март савдолар учун 20 март кунни соат 16:00 да тўхтатилади. Савдода сотилиш баҳосидан 5% устига тулаш шarti билан. Савдо голибига 5 банк кун ичида сотувчи билан олди-сotди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ <<DAVR-BANK>> Бош Амалиётлар Бошқармаси даги ҳисоб-рақамга: 2260 4000 8005 7145 2003, МФО:00981, ИHN:200 933 850 Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар Миробод тумани Мабуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел:233-28-52. Расмий сайт: www.gtm.uz. Увуҳнома: 001805



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади.

Суд иш юритувини соддалаштириш — зарурат

Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Бу эса соҳанинг ҳар бир мутасаддисига жиноятларни тез ва тўла очиш, ҳақиқатни аниқлаш, содир этилган жиноят учун ўз вақтида ҳукм эълон қилиш масъулиятини юклайди.

Ҳозирда дунёнинг барча бурчагида ҳуқуқшунослар, судьялар ва бошқа амалиёт ходимлари жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, процессни ҳам мувофиқлаштириш ҳақиқат эканини тўла тан олишади. Бундай изланишлар пировардида жиноят ишларини юритишнинг соддалашган тартиблари вуқудга кела бошлади. Улар соддалашган, суммар, тезкор деб номланиб, биргина соддалашган тартибнинг ҳозирда “Айбга иқрорлик”, “Медиация”, “Трансакция” каби кўринишлари мавжуд.

Хусусан, АҚШ ва Европанинг кўплаб мамлакатларида “Plea bargain”, яъни “Айбга иқрорлик” қўлланилиб келинмоқда. Унга кўра, шахс жиноят содир этгани ҳақида иқрорлиги, жиноятнинг зарарли оқибатларини бартараф этганлиги, қонунга итоаткорлик намуналарини кўрсатиши каби ҳолларда процессни соддалаштириш мезонлари тартибга солинган. Бундай соддалашган усулдан АҚШ амалиётида 150 йилдан буён 75-90 фоиз жиноят ишларини кўришда фойдаланиб, жиноят процессида вақт ва процессуал маблағларни тежаб келмоқда. Ушбу институтнинг АҚШдан фарқи ўлароқ Европа мамлакатлари, хусусан, Испания, Италия, Эстонияда ҳам барча турдаги жиноят ишларининг 20 фоизи биринчи инстанция судларида умумий тартибда қўрилса, 80 фоизи “Айбга иқрорлик” тартибда тезкор ҳал этилади.

Аввало, суд муҳокамаси — жиноят процессининг марказий ва асосий босқичи бўлиб, суд томонидан жиноят ишнинг мазмунан кўриб чиқилиши ва судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги, унга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинишидан иборат. Унда суд мажлисининг тайёрлов қисми, суд тергови, тарафларнинг музокараси, судланувчининг охириги сўзи, ҳукм чиқариш даврларини ўз ичига олиб, қонунда ушбу ҳаракатлар учун алоҳида муддатлар эмас, балки умумий икки ойлик муддат ва ушбу муддатни олти ойгача узайтириш мумкинлиги белгиланган. Бу борада баъзи тадқиқотчилар, суд инстанцияларида муддатларни узайтиришнинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Объектив сабаблар: жиноятларнинг сони ва сифати ошиб бораётганлиги, экспертиза тайинланиши, процессуал қонуннинг такомил эмаслиги, унда бўшлиқларнинг мавжудлигидир. Субъектив сабаблар эса суд амалиётида ишни режалаштирмаслик ва танаффус эълон қилишдан кенг фойдаланиш, деган фикрда. Бу инсоннинг психологик факторидан келиб чиқиб, инсон қабул қилган ҳар қандай ахборотни бир сут-

кадан сўнг 60 фоизини, икки суткадан сўнг эса 30 фоизини миёсида сақлай олиши билан изоҳланади. Шундай экан, суд муҳокамасида процессуал ҳаракатларнинг тезкорлигига эришиш зарур. Дания ЖПКнинг “Жиноят судлов ишларининг тезкорлиги” принципига мувофиқ, одил судловни амалга



оширишда судланувчиларнинг ортиқча сарсон бўлишининг олдини олиш мақсадида суд мажлисида, ҳатто, дам олиш кунлари ҳам танаффус эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Суд мажлиси қолдирилиши сабабларига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, улар сирасига:

- 1) айрим суд процесси иштирокчиларининг келмаганлиги;
- 2) суд бошқа жиноят ишини кўришни тугалламаганлиги;
- 3) айбланувчи ёки унинг адвокати жиноят иши билан танишмаганлиги;
- 4) қамоқда сақланаётган айбланувчининг этап этилиши билан боғлиқ амалиётда дуч келадиган ҳолатларини ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлиши шарт. Узр-сиз сабабларга кўра келмаган тақдирда улар (судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ) ЖПКнинг 261-моддасига биноан мажбурий келтирилади. Прокурор ёки ҳимоячи суд мажлисига келмаган тақдирда эса, суд уларнинг фақат узр-сиз сабабга кўра, судга келмагани тўғрисида тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар палатасига хабар қилиши, жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси узр-сиз сабабларга кўра келмаганда, суд бу ҳақда тегишли жамоат бирлашмаси ёки жамоага хабар қилиши, фуқаровий даввогар ёки унинг вакили суд мажлисига келмаган ҳолларда, суд фуқаровий даввоини кўрсатилган ва аксинча, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили суд мажлисига келмаганда, фуқаровий давво кўрилиши тўхта-тилмаслиги мумкин.

Хорижий мамлакатларда бундай муаммоларга алоҳида эътибор берилди.

Масалан, АҚШ Конгресси томонидан “Суд муҳокамасини тезлаштириш тўғрисида” Қонун қабул қилинган. У жиноят процессида оқилона муддатларни белгилаш, процесснинг тезкор механизмини шакллантириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъулиятини оширишни назарда тутди. 1975 йил 3 январдан буён амалда бўлган мазкур қонун дастлабки терговда айблов эълон қилинганидан ёки шахснинг қамоққа олинганидан бошлаб, суд муҳокамаси 75-180 сутка ичида бошланиши лозимлигини кафолатлайди. Агар адвокат ёки прокурорнинг лоқайдлиги ёхуд ўз вазифасини суистеъмол қилиши натижасида процессуал муддатларни қўпол равишда бузилишига йўл қўйилса, ва бу айбланувчи қамоқда асосиз равишда узоқ сақланишига сабаб бўлса, суд айбдор адвокатни унга тегишли гонорарининг 25 фоизи миқдоридан маҳрум этиши ёхуд олинган гонорарнинг 25 фоизи миқдоридан жазима солиши назарда тутилган. Жиноят иши ўз вақтида кўрилмаслигига айбдор прокурор ҳам 250 АҚШ доллари миқдоридан жазимага тортилиши мумкин. Бундан ташқари, судья ушбу иштирокчиларнинг ҳар қайсисини ойлик маоши ёки гонорарни олиш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда 90 кунгача ишдан четлаштириши ҳамда тегишлича ахлоқ ишлари бўйича комиссияга тақдимнома киритишини кафолатлайди.

Жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан ўз ишига масъулият билан ёндашмаслик натижасида суд муҳокамасининг нооқилона муддатда юритилганидан жабр кўрган тараф фойдасига айбдордан 5-50 минггача Евро пул миқдоридан жазима солиниши белгиланган. Бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш мақсадида МДХ давлатлари ичида Россияда 2008 йил 26 сентябрда “Оқилона суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ бузилишидан этказилган зарарнинг қопланиши тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилинган бўлиб, у 2010 йил 1 январдан буён суд муҳокамасида муддатлар бузилгани тўғрисидаги жиноят ишларини кўриш ва бу шикоятларнинг қонуний ҳал этилишини тартибга солган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси ва “2020 йил — илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури лойиҳасида жиноят процессини такомиллаштириш, масъул шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, “Айбга иқрорлик” асосида жиноят суд иш юритувини соддалаштиришнинг назарда тутилгани шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, жиноят процессида одиллик принципини янада мустаҳкамлаш ҳамда судда муддатларга сўзсиз амал қилишга хизмат қилади. Зеро, қонунчиликни янгилашдан мақсад, Президентимиз таъбирлари билан айтганда, улар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгилаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмағи лозим.

Моҳиғул ҚОДИРОВА,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика кафедраси доценти

Лола РАҲИМҚУЛОВА,
Тошкент давлат юридик университети
Меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

Байрам шуқуқи

“Мўътабар аёл” лар тақдирланди

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами кенг нишонланди. Унга вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида меҳнат қилган мунис онахонларимиз, буғунги кунда турли соҳаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз тақдиф этилди.



Вилоят ҳокими Рустам Холматов, Олий Мажлис Сенъат аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир юртимизнинг барча хотин-қизларига байрам табриги йўллади. Тадбир давомида 30 нафар аёлга вилоят ҳокимининг “Фахрий ёрлиғи”, 24 нафарига “Мўътабар аёл” кўкрак нишони тантанали топширилди.



Вилоят равнақи учун меҳнат қилган табаррук онахонларимизга, хотин-қизларга байрам совғалари берилди. Таниқли санъаткорлар байрамога баҳор куй-қўшиқлари билан даврага янада фойз киритди.

Даврон АҲМАД

Шифокорнинг қўли енгили азиз

Инсоннинг табиати қизик: қаерда дардига даво топса, яна ўша ерга келишни орзу қилади.

Мен ҳам пойтахтнинг Учтепа тумани Катта хирмон тепа кўчасидаги “NBF-Med” деб аталадиган хусусий клиникага келиб, ҳар беш йилда баҳор ойларида муолажа оламан. Тиббиёт соҳасида соғлом рақобат туфайли мазкур клиникада даво топиш учун барча шарт-шароит яратилган. Кўп шифохоналарда бўлганим учун буни бемалол айта оламан. Замонавий тиббий ускуналар, меҳрибон ва гамхўр тиббиёт ходимларининг самимий муносабати танимизга малҳамдек ёқди.

Инсон организмнинг мотори саналмиш юракни даволовчи Бекзод Умаров ва Нуриддин Абдуназаров каби кардиологлар шу шарафли касб туфайли кўплаб меҳорлар жонига дармон бўлмоқда. Ҳаётимизда шундай шифокорлар кўпаяверсин!

Шодимурод МУРОДОВ,
Жиззах шахри



Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Ўзини ҳам, Тингловчини ҳам, Алдамайди

Тўй-базмларда, байрам-тантаналарида эътибор қилинг, Жўраевлар, хусусан, Шерали Жўраевнинг кўшиқларисиз ўтмайди улар. Овози етса-етмаса, унинг йўлида айтадиганлар беҳисоб. Аммо ҳофиз тароналарини ижро этувчида иқтидор ва салоҳиятдан ташқари фаросат ҳам бўлиши керак.



Жаҳон дейилса, ҳамма уни тингламоққа тутиниши эса отасининг, элнинг, юртининг дуосини олаётгани туфайлидир.

Шоҳ Жаҳон катта санъат даргоҳларида концерт қўйишга шошилмайди. Халқнинг олдида чиқишдан олдин бунинг масъулиятини ўйлайди. “Шундай ижод қилки, сенинг қўшиғинг бошланishi билан бошқалар қийқириб юборсин, сента қўшилиб айтсин, сўзма-сўз такропласин” — дейди у.

Шу ўринда Шоҳ Жаҳон Жўраевнинг тўрт йил олдин “Халқлар дўстлиги” санъат саройидаги концерти ёдига тушди. Ишга бораётиб ҳамда қайтаётиб, кунда-кунора бу муҳташам саройнинг чироқлари ёниб турганлигига кўзим тушиб, қайсидир хонанданинг концерти борлигига амин бўламан. Шундай пайтларда яқинларимни концертга олиб тушай дейман-у, аксарият ҳолларда фонограмма орқали кўшиқ айтадиганларнинг ёлгон концертини тасаввур қилиб бу фикрдан қайтаман. Аммо ўшанда концертга тушмасликнинг иложи йўқ эди. Сабаби, севимли ҳофиз — жуда кўпчиликини кўшиқлари орқали сеҳрлаб қўйган, тарбия қилган — Шерали Жўраевнинг дилбанди Шоҳ Жаҳон Жўраев жонли ижрода уч кун концерт қўйди.

Уч кун ҳам жонли айтди. Бирор марта на куй, на хонишга фонограмма аралаштирди.

Ўн олти нафар созандани ҳам тиндирмади, ўзи ҳам танаффуссиз уч соат кўшиқ айтди. 6 та кўшиқ айтгандан кейин ҳозир кийим алмаштиргани кетади, деб ўйладим. Ундай бўлмади.

12 та кўшиқ айтгандан кейин ҳозир бирорта қизиқчи чиқар деган хаёлга бордим, хайрият бирорта бачканининг юзини кўрмадик. Концерт бошланганига икки соат бўлаётган, тинай демайди. Аксинча фақат олқиш, қийқирликларга бурканди Шоҳ Жаҳон.

Унинг бири-бирдан гўзал кўшиқлари — “Фариштагинам”, “Ёмғир”, “Жайра” янграганда, зал қарсақлардан бир қалқиб кетди, назаримда. Отаси, улуғ устоз Шерали Жўраевнинг дилбар ашуллари — “Дунёни қизганма”, “Бандаман”, “Кўрмишам”, “Келди баҳор”, “Аё, соқий”, “Карвон” айтилганда эса ёши улуғ отахону онахонларга қўшилиб бутуннинг ёшлари ҳам асл хониш қандай бўлиши кераклигини англаб етишди шекили: “Ҳа, дўст, яшан!” деб завқу шавқларини изҳор



этишди.

Саҳнага эътибор қаратдим. Ортикча ҳашам йўқ, кўпол декорациялар ўрнатилмаган. Ҳа, энди жонли овоз турганда, томошабиннинг, мухлиснинг хаёлини бунақа нарсалар билан чағитишининг нима кераги бор, дейсиз-ла? Тўғри айтасиз: асл мухлис концертга чироқлар ёниб-ўчишини ёки саҳнани сотиб олган кишининг қоматини эмас, унинг санъатидан баҳраманд бўлишни хоҳлайди.

Мухлисга хиёнат қилмайдиган, улкан санъат саройининг табаррук саҳнасини ҳурмат қиладиган, ота-онасининг, улугларнинг дуосини олган чин истеъод соҳиблари эса залда ўтирганларга қўшилиб кетади. Уларга завқу шавқ улашишни ўзининг бурчи деб билади, шу бурчини бажарса, ўзини бахтиёр ва хотиржам ҳис этади. Шу маънода, Шоҳ Жаҳон ҳам тингловчилар билан бирга бўлди, саҳнадан пастга тушиб, ҳеч қандай кўриқчиларсиз юрди, ҳар ким у билан суратларга тушди, гуллар тақдим этди. Мухлислар талабига қараб улар суйган кўшиқларни айтди. То ўзи кўшиқ тугади, демагунча бирор киши ўрнидан турмали, тургиси келмади.

Чунки улар Шоҳ Жаҳон тимсолида Буюк ҳофиз билан қўришпандек эдилар. Шоҳ Жаҳон ҳам бунинг сезандай “Замон-замонни” айтди.

Саҳна пардалари эса анчадан бери бундай жонли концертга хизмат қилмагандан хижолат бўлгандай жуда секин ёпилди.

Жуда секин!..

Бу концертни бежиз тилга олмадик. Бизга ана шундай дастурлар керак. Халқ дарду ташвишини, изтиробини англаган, қувончини қувонч деб билган Шоҳ Жаҳонлар керак. Зеро, у ўзини ҳам, тингловчини ҳам алдамайди...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

овози дилларга ошиён улуг санъаткорнинг фарзанди. У дастлаб Шерали Жўраевнинг ўғли сифатида эл олдида чиққан бўлса, Шоҳ Жаҳон Жўраев бўлиб, ўзига тегишли олқишларни эшитаётганига ҳам кўп бўлди. Манзур ва маъқул кўшиқлари билан кексаю ёшнинг қалбига кириб бормоқда. Яратганга шукрона ва илтижога йўрилган кўшиқларни айтиб, дуолар олмоқда.

Шоҳ Жаҳонни болалигидан билман: тиришқоқ, меҳнатдан қочмайди, изланади, китоб ўқийди. Одамлиги, мардлиги, тантилиги бор. Кўп улуг ҳофизларимизга ўхшаб неча-неча ўрта ҳол оилаларнинг тўйларида ҳеч бир таъмасиз хизмат қилган. Ижод қилишни эса чин машаққат деб билади. Муносиб сўз топиш ва оҳанг яратиш мақсадида тунларни бедор ўтказди. Сизу биз бутун унинг кўшиқларини мароқ билан тинглаётганимиз бежиз эмас: у хонишларнинг ҳар бири қалб тугёни ила дунёга келган.

Шерали Жўраевнинг энг муносиб шоғирди, мухлиси, ишқибози ким, деб сўрашса, мен ҳеч иккиланмай Шоҳ Жаҳонни айтган бўлардим. Чунки у отасининг ҳар бир кўшигини қойилмақом қилиб айтишдан ташқари, уларни маънавий дурдона, кўнгил мулки сифатида ҳам авайлаб-асрайди. Бу кўшиқлар ўз ўзидан пайдо бўлмаганини, бунда юрак ва ақл, дард ва ёруелик, мунг ва қувонч мужассамлигини теран ҳис қилади. Ана шу масъулият ва эҳтиром туфайли унинг ўзи ҳам юксалаётир, ардоқланаётир. Шоҳ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг жамоаси:

— Дилбар аёлларимиз сизларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклаймиз.

Дилангиз ва фарзандларингиз камолини кўриб юринг. Тўзал бахт сизни тарқ этмасин, азиз она-сингиллар!



Республика ОТМлари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида 4 маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилади.

Агробанк Паркент тумани филиали жамоаси:



— Шарқнинг гули — Ўзбек аёли! Мана
шу туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо
бўлган.

Азиз аёлларимиз, сизларни улуғ айём 8
март — Халқаро хотин-қизлар байрами
билан чин юрқадан табриклаймиз.
Оилангиз, фарзандларингиз бахтига доимо
саломат бўлинг!



Паркент тумани Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси жамоаси

шу юрт учун хизмат қилиб
келаётган меҳнаткаш, танти,
матонатли ва садоқатли
хотин-қизларимизни баҳорнинг
илк байрами билан қутлайди.

Юзингизни кулги, лабингизни
табассум ҳеч қачон тарк
этмасин, азиз аёллар!

8 Март



Чиноз тумани Санитария-эпидемиология осойишталик маркази жамоаси

мафтункор аёллар ва дилбар қизларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан табриклайди.


— Азиз ва муътабар аёллар! Қалбингиз нурга, юзингиз кулгига бой бўлсин. Оилавий хотиржамлик сизни асло тарк этмасин!



Чиноз тумани Халқ таълими бўлими жамоаси

юртимизнинг барча хотин-қизларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан самимий табриклайди.

Кўнгилларда хотиржамлик ва байрамона кўтаринкилик ҳамиша бардавом бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ОТМларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ушбу фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш каби йўналишлар бўйича таянч ОТМ этиб белгиланди.

“Микрокредитбанк” ёрдамида фаолиятингизни кенгайтиринг!

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва уларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга фаол жалб қилиш, пировардида маълум соҳаларда банд бўлишига эришиш орқали янги иш ўринлари яратиш бугуннинг долзарб масалаларидан.

Айни пайтда “Микрокредитбанк” АТБ ва “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ўртасида тузилган битимга мувофиқ, ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш бўйича шакллантирилган манзилли рўйхат асосида уларга узоқ муддатли ва имтиёзли фоизларда кредитлар ажратиб келинмоқда.

Хусусан, республика бўйича 2019 йил мобайнида 363 нафар ёшларнинг лойиҳалари молиялаштирилди. Уларга 125 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, 2 минг 762 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда ҳам мазкур ишлар давом эттирилиб, айни пайтда 42 нафар ёш тадбиркорга 18,8 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ, 870 та янги иш ўринлари ташкил этилишига эришилди..

400 миллион сўмлик маҳсулот

Жиззах вилоятида фаолият юритувчи “Самандар ширинликлари” оилавий корхонаси бугунги кунда миллий ширинликлар ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Корхона раҳбари ёш тадбиркор Самандар Исломов ташаббуси билан ишлаб чиқариш фаолиятини модернизация қилиш ва замонавий ускуналар харид қилиш мақсадида банк томонидан 1 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.

— Бугунга келиб 35 та янги иш ўрни ташкил қилдик, — дейди корхона раҳбари Самандар Исломов. — Корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати 50 тонна бўлиб, ойига ўртача 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида ишлаб чиқариш кўламини янада ошириб, қўшни давлатларга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Кунига 6 мингта маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда

— Тошкент вилояти Келес туманида “Bonito” МЧЖ номи остида болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўй-

ганмиз, — дейди корхона раҳбари, ёш тадбиркор Сайдулло Салиев. — Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини модернизация қилиш, замонавий ускуналар харид қилиш мақсадида “Микрокредитбанк” бизга 1,5 миллиард сўм миқдорида кредит ажратди. Натижада, 40 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлдик.

Ҳозирда корхонада кунига ўртача 6 минг дона турли болалар ва ўсмирлар кийим-кечаклари ишлаб

чиқарилмоқда. Асосийси, маҳсулотларнинг асосий қисми хоризга экспорт қилинмоқда. Келгусида ишлаб чиқариш кўламини янада ошириб, маҳсулотлар экспортини янада кенгайтириш мақсад қилинган.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Эътиборлиси, ушбу имкониятлардан самарали фойдаланаётган ёшларнинг сафи кенгаймоқда. “Микрокредитбанк” юртимиздаги ёшларнинг бизнес гоёларини рўёбга чиқаришда, уларни молиявий қўллаб-қувватлашда давом этади.

“Микрокредитбанк” ахборот хизмати.



MIKROKREDITBANK

*Ёш борки, оми мунаббар,
аёл борки, ҳаёт узга ва шартинкор*

“Микрокредитбанк” жамоаси —
гўзаллик, нафислик ва латофат рамзи бўлган
барча аёлларимизни 8 март —
Халқаро хотин-қизлар байрами билан
муборакбод этади

30%

Бошланғич тўлов
30 % кам бўлмаган миқдорда

26%

Бошланғич тўлов
50 % кам бўлмаган миқдорда

28%

Бошланғич тўлов
40 % кам бўлмаган миқдорда



“Микрокредитбанк” гўзаллик рамзи бўлган аёлларимизга муносиб совға олиб беришингизга кўмаклашади!!!



2020 йил 1 мартдан паритет асосда Япония ТИВ томонидан берилган дипломатик ёки расмий паспорт эгалари бўлган Япония фуқаролари учун 90 кунлик визасиз режим белгиланди.

Мотуридия таълимоти жаҳолатга қарши маърифат курашидир

Самарқанд шаҳрида 3 март куни “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусида халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон — дунё цивилизацияси ва ислом равнақиға улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз-авлиёлар юрти. Ушбу ҳақиқатни кейинги йилларда аждодларимизнинг бебаҳо меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида самарали фойдаланиш, дарслик ва ўқув қўлланмалар, оммабоп нашрлар, илмий-амалий таъсирига таяёрлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Мисрдаги Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур халқаро конференция ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг амалий ифодасидир.

Ушбу халқаро анжуманда иштирок этиш учун юртимизга Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, ушбу давлат бош имоми Шайх Аҳмад Таййиб бошчилигидаги делегация, шунингдек, Босния ва Герцеговина, Германия, Иордания, Индонезия, Малайзия, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Швейцария, Қирғизистон ва Қозғоғистон каби мамлакатлардан 70 га яқин уламо, исломшунос олим, нуфузли таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари таширф бўурди.

Конференциянинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бўш вазири ўринбосари А.Абдуҳакимов, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов ва бошқалар янгилаётган Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ва тағамрида халқимизни рози қилиш мақсади мужассам бўлган ислохотлар диний-маърифий соҳада ҳам ўз ақсини топаётганини таъкидлади. Бу янги-

ланиш ва ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиб, ижобий баҳоланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюцияси қабул қилингани бунинг ёрқин исботидир.

Юртимизда кейинги уч йилда экстремистик ва террористик тузилмаларнинг бузғунчи ғоялари таъсирига тушиб қолган 20 мингдан зиёд фуқаро махсус ҳисобдан чиқарилди. Турли жиноятларни содир этган, лекин хатосини тушуниб етганларни афв этиш юзасидан Президентимизнинг 9 та фармони қабул қилинди ва 4 мингдан ортук киши жазони ўташ жойларидан озод этилди. Жасликда жойлашган жазони ўташ муассасаси бутунлай тугатилгани ҳам инсонпарварлик сийсатининг амалий ифодаси дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Меҳр” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик операциялари доирасида Яқин Шарқ минтақасидаги қуролли можарола давом этаётган ҳудудлардан 261 нафар Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Аини пайтда уларни жамиятта интеграциялаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Мамлакатимизда миллий ва диний қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, буюк алломаларнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, жамиятда диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўзига хос амалий механизмлар — Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий ва Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадисшунослик олий мактаби, ҳадис, калом, тасаввуф, ақида, фикҳ илмий мактаблари фаолияти йўлга қўйилди.

Асосий мақсад, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий каби аллома аждодларимиз меросини илмий ўр-

ганишини янада фаоллаштириш, муқаддас динимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларни инсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдир.

Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясидаги алоҳида ўрни ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳага оид ислохотларнинг эътирофи сифатида Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕКО томонидан Бухоро шаҳри “2020 йилда ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинди. Шу муносабат

динининг асл қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда мусулмон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Анжуманда Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, юртимиздан етишиб чиққан улуғ алломалар илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга қўшган муносиб ҳиссаси учун Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Таййибга Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси унвони берилди.

Шайх Аҳмад Таййиб жаноблари муқаддас Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси бўлиш юксак шараф эканлигини таъкидлаб, кўрсатилган юксак хурмат ва эътибор учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириди.

Ялпи мажлис давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, диний-маърифий соҳани ривожлантириш, ислом дини тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, улар қолдирган бебаҳо мероснинг мазмуни-моҳияти, аҳамиятини тарғиб этишга бағишланган видеоларга назорини этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдуғафур Аҳмедов, Эътиборли уламолар кенгаши бош қотиби, профессор Абдуллоҳ Абдулҳанн Сархан, Мусулмон донишмандлари кенгаши бош қотиби Султон Файсал Румайсий, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари маслаҳатчиси Абдурахмон Муса, Ал-Азҳар Ислам тадқиқотлари академияси бош қотиби доктор Назир Муҳаммад Айднинг маърузалари тингланди.

Сўзга чиққанлар мазкур анжуман Аллоҳ улуғларини ражаб ойида, тарихи буюк юртимизнинг бетакрор замини, жаҳон маданияти, хусусан, ислом дини тараққиётига улкан ҳисса қўшган Самарқандда ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга эканини таъкидлади. Мотуридийликнинг башариёт цивилизациясидаги ўрни, Ал-Азҳар мажмуасининг ислом мероси ва аҳли сунна эътиқодини сақлаш, тинчлик ва бағрикенгликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолияти ва саъй-ҳаракатлари хусусидаги маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— 2007 йилдан буён Моту-

ридийнинг тафсир китоблари бўйича илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бора бошладим, — дейди Туркия ислом илмлари академияси раҳбари Аҳмад Саъд Даманхурий. — Шундан буён фаолиятини тўлиқ шу мавзуга бағишладим, бу улуғ аллома тўғрисида кенгроқ маълумот тўплашга киришдим. Изланишларим натижасида 200 бетлик “Салдус-суғур би сийрати алабий Худа Абу Мансур” китобини ёздим. Бу асар Мотуридий шахсига доир айрим тушунмовчиликларни баъратараф этиш, буюк имомнинг улкан хизматларини маълум маънода эътироф этилишига эришишга қаратилган. Мазкур анжуманда шу ва бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олиш имконияти туғилганидан хурсандман.

— Ислам динини мотуридия таълимотисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, глобаллашув жараёнлари кучайган ҳозирги шароитда Имом Мотуридийнинг бундан бир неча асрлар олдин айтган фикрлари, муқаддас динимиз софлигини асраш бўйича илгари сурган қарашлари муҳим аҳамиятга эга, — дейди Қозон шаҳридаги Россия ислом университети ректори Рафиқ Муҳамметшин.

— Бизнинг университетимизда ҳам бу улуғ имом асарларини таржима қилиш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва бошқа диний таълим муассасалари, илмий марказлар билан яқин ҳамкорликда ишлаяймиз. Умуман, азалдан Татаристондаги дин соҳаси вакиллари, уламолар ўзимиздаги мадрасаларда ўқиган бўлса-да, кейинчалик Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига келиб, ислом дини таълимоти ўрганган, билимларини оширган. Бу аънава бугун ҳам давом этмоқда.

Жамоавий пешин намози ва тушликдан сўнг конференция ўз ишини “Мотуридия таълимоти ва ҳозирги замон” ҳамда “Замонавий давлат шароитида диний қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш” шўбаларида давом эттирди.

Шўба мажлисларида Имом Абу Мансур Мотуридий шахси ва ақидавий қарашлари, мотуридийликнинг мафкуравий асоси, мотуридия калом мактабига оид янги манбалар, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Имом Мотуридий қарашларининг аҳамияти, кибермақондаги радикаллашув жараёнлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Конференциянинг юқори мартабали меҳмони — Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, Миср Бош имоми Шайх Аҳмад Таййиб Самарқанддаги Имом Мотуридий ва Имом Бухорий мажмуаларини зиёрат қилди. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби фаолияти билан танишди.

ЎЗА.



Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида Мудофаа вазирлиги қўшинлари миқёсида “Мен намунали ҳарбий оила бекасиман” шиори остида “Балли, аёллар!” курик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.



Унинг исрофи — гуноҳ

Дастурхонни йиғамиз-у, ойнадан шоша-пиша ушоқларни қоқиб юборамиз. Қаерга тушиши билан ишимиз йўқ. Майда-чуйда нонларни менсимаймиз. Биласизми, қишлоқда ота-боболаримиз қотиб қолган нонлардан талқон қилади. Ёки кесиб қуёшга топлаб қўйишади.

Туй-маъракаларда, зиёфатларда дастурхон тўла ушатишган нон бўла туриб, меҳмонлар хурмати учун бутун-бутун нонларни ушатишганини ҳам кўп кўрганмиз. Меҳмонлар тарқалганидан кейин, бўшаган дастурхонлар устидан бир дунё нон бўлақлари йиғиштириб олинади. Хўш, бундай ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

Уйга бориб, (ижарадаги уй) ошхонада чиқинди устида нон қолдиқларига кўзим туш-

ди. Кўчиб келганимизга кўп бўлмагани учун оилавий шароити билан танишиб улгурмагандик. Уй бекаси Назира опага “Наҳотки, қотган нон керакмас, чиқиндига чиқса, бир идишга солиб, чиқинди-хонадаги махсус нон ташлайдиган жойга қўйса бўлади-ку! Уволини ўйламайсизми?!” дедим, гина аралаш жаҳл билан...

Гапимни тугатмасимдан озгизга урди:

— Қизиқсиза, чиқинди тозаловчи нима қилиб ўтирибди? Улар ҳам ишлаши керак. Ажратиб олиш уларнинг иши.

Эрта тонгдан ўқишга шошилман. Аксита олиб ахлат ташлайдиган жой узоқ. Уй-

миздан катта кўмизча чиқаверишда йўл четини ҳамма ахлат ташлайдиган жой қилиб олган. Ўқишга кечикишдан хавотирланиб, қўлимда ахлат билан ўша жойга шошилдим. Яқинлашар эканман, ҳар куни кўзим тушадиган ҳолатга яна гувоҳ бўлдим:



Шу атрофда яшаса керак — ҳар кунгидек, бир ёши катта киши ўз улфатлари, яъни маҳалладаги дарбадар қучуқлар билан нонушта қилмоқда. У уюлиб кетган ахлат ичидан майда-чуйда қаттиқ нонларни ва идишдаги қолдиқ овқатларни ёнига тўплаб олиб, мароқ билан овқат-

сум югуриб, “Бугун байрам қиларканмиз-да”, дея “улфат”ларига сўз қотди...

“Улфатлар”га ачинайми, чиқинди ташлаш мумкин бўлмаган ахлатхонага ачинайми ёки шаҳар марказида ҳар ёққа сочилиб ўтганига ачинайми?..

Деворларда “мусор ташламанг! 5000 сўм штраф”, деган ёзувларни тагида бир уюм ахлат ётади. Бироздан кейин “мусор тўкманг 50 000 сўм штраф”, дегани пайдо бўлади. Айнан шу ерга

ташланган ахлат ҳам жаримаси каби кўпайиб бораверади.

Аждолларимиз азалдан нон кечамиз, бутунимиз, эртамиз дея таъкидлаган. Чиндан ҳам, ҳар қандай тараққиёт тамаддуни тўқликка, фаровонликка бориб тақалади. Нон эса тўкин-сочинликнинг асосий мезони. Чақалоқ бешикка беланганида ҳар доим боши остига нон қўйилган — боши омон, ризқи бутун бўлсин, деб. Узоқ сафарга, жангу жаддаларга кетаётган йигитларга нон тишлатиб, деворга осиб қўйишган — ой бориб, омон қайтсин, шу хонадондан насибаси узилмасин, деб. Бундай ташбехларни яна кўплаб айтишимиз мумкин. Муҳими, ноннинг азизлиги. Доннинг, ноннинг мўллиги, сероблиги юртимиздаги тўқинлик, фаровонлик белгисидир. Бу неъматни, умуман, озиқ-овқатни исроф қилиш мумкинми?

Одамлар ноз-неъматнинг хилма-хил ва кўп бўлишини ҳаётнинг асосий мезони ҳисоблайди. Бизда озиқ-овқатни исроф қилмаслик деганда, сал эскирдими, уни бутунлигича ташлаб юбориш тушунилади. Еб-ичиш эмас, аслида исроф қилиш гуноҳ.

Гулҳаё ХУСАНОВА,
“Жамият” мухбири

“Деворларда “мусор ташламанг! 5000 сўм штраф”, деган ёзувларни кўп кўрганмиз, лекин ўша ёзувнинг тагида бир уюм ахлат ётади. Бироздан кейин “мусор тўкманг 50 000 сўм штраф”, дегани пайдо бўлади. Айнан шу ерга ташланган ахлат ҳам жаримаси каби кўпайиб бораверади.”

ланарди. Қўлимдагиларни кўриши билан юзига табас-

Эъзоз

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан “Махам Чирчиқ” АЖ ва Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида шаҳардаги турли соҳаларда фаолият юритаётган аёллар учун байрам ташкил этилди.

Чирчиқда баҳорнинг илк байрами



носиб меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдик, — дейди “Махам Чирчиқ” АЖ бошқарув раиси Ҳотам Саидахмедов. — Чунки булар нафақат шахримизнинг, балки биз эркакларнинг ҳам юзимиз, орномусимиздир. Аёлнинг нафосати ва назоқати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер


морий обидалар аёллар шаънига бағишланган. Шунинг учун ҳам сизларни, сизларнинг тимсолингизда барча онахонларимиз, опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни эзгулик ва гўзаллик байрами 8 март — Хотин-қизлар куни билан шахримиз фаоллари, кенг жамоатчилик номидан самимий муборакбод этаман!

Тадбир давомида сўз усталари ва санъаткорларнинг чиқишлари йигилганлар кайфиятига янада кўтаринкилик бахш этди.

Даврон АҲМАД

Бараканинг сири

Ёзнинг жазирама кунларидан бири. Бекатда на автобус, на таксилар кўринадди. Нарирокда, кўринишдан янги, топ-тоза “Нексия” дарахт соясида ўзини панана олди.



Кўп ўтмай унинг ҳайдовчиси, 35 ёшлар чамаси йигит машинадан тушиб, мен томонга келди. “Қаёққа борасиз, амаки?” “Чилонзорга, Қатортол бозорининг ёнига”. “Ўтиринг, амаки.” Машина топ-тоза. Хушбўйлагичнинг энгил ҳиди анқийди. “Сизни таксичи, деб ўйламабман”, дедим тоза вадид билан кийинган йигитга

қараб. “Таксичиман, амаки. 2 йил Москвада ишладим. Кейин қайтиб келиб, шу машинани олдим. Инженерман. Туман ёктр бўлимида, сменали ишдаман. Онамиз яқинда қазо қилдилар. Шунга Томскдаги укам ҳам, мен ҳам юртимизга қайтиб, дадамнинг дуоларини оляймиз. Барака шу ерда, юртимизда экан. Бир ҳафта олдин дадам 60 га кирдилар. “Ласетти”

олиб бердик укам иккаламиз.”
Таъсирландим. “Барака ла, офарин. Сизга ҳам, укангизга ҳам раҳмат. Ҳа, барака ўз юртимизда. Барака мана бунақа тоза юртингизда, уловингизнинг тоза эканида ва албатта, биринчи ўринда — отангизни дуосида”, дедим йигитга.

“Қачон машина керак бўлса, чақирасиз, амаки”, деди йигит таширф қоғозчасини узатиб.

Шоазим МИНОВАРОВ



Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети ОТМ филиали тузилмаси тасдиқланди.

Қодирийнинг асарлари қачон сепга қўйилади?

Китоб ўқишнинг зарурлиги, унинг аҳамиятини деярли ҳамма билади. Ўқиш керак, ўқиш зарурлигини ҳамма тан олади. Аммо бунга рия қилувчи, китоб ўқишни одат тусига киритган мардларни топиш қийин. “Ўқий дейман, китобни топаман ҳам, анчагина китобларим бор. Лекин ўқишга вақт ажратолмайман. Ишим кўп...”



фиятига, балки соғлиғига ҳам маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади. Яхши куй-қўшиқни ёқтириб тинглаш — бу мазали ва сеvimли яхши таомни тўйиб ейишдай гапдир.

Ўзбек нима учун паловни кўп ейди, деб бир даврда гап айланганлигини эслаймак. Ҳамма ҳар хил фикрлар билдирди. Биров паловнинг ниҳоятда соғлиқ учун фойдалилиги, уни аслида буюк ажлодимиз, жаҳон шифокорларнинг бобокалони Абу Али ибн Сино айрим хасталикларни даволаш учун малҳам сифатида тавсия қилганлиги, кейинчалик у вақт ўтиши билан оладий таомлардан бири сифатида дастурхонлардан доимийга ўрин олганлигини сўзлади.



Бугунги тезкор замонда вақт шидлатини доим ҳис қилиб турамыз. Баъзан бир куннинг ўзидagina бир қанча жойларда бўлиш, аллақанча муҳим ишларимизни битказиш зарурати йўлда елиб-югурамыз. Аммо доим ҳам, ҳаммага ҳам шундайми? Баъзан кун бўйи бекорчиликдан зерикиб юрган вақтларимиз бўлмайди? “Бекорчиликдан зерикиб” эмас, вақтихушлик учун ҳам гоҳида кун бўйи чой-хонада дўстлар даврасида истироҳат оладиган вақтларимиз бўлмайди?..

Умуман, вақтим йўқ, деган фикрга қўшилмайман. Ҳар бир инсоннинг вақти ўз қўлида. Уни нималарга сарфлаш, қандай ўтказиш эса ўз хатти-ҳаракат ва фаолият-жараёнини бошқара билиш, ҳаёт тарзини оқилона йўлга қўйганми-йўқми ва бошқа кўпгина бошқа омишларга, аммо, энг асосийси, унинг ўзигагина боғлиқ.

Силқилидан йиғласа, сўқир кўздан ёш чиқади, дейдилар. Барча зарур ишларимизни эртами-кечми имкон борича бажариб боришга ҳаракат қилишимиз табиий ҳол-ку. Ҳаётда шунинг бўлмайди. Соғлом бўлиш учун, умуман, тирик ҳол учун зарурат бўлган ейиш-ичиш, оддий айтганда егулик, бошқачароқ сўз билан эса озуқа аталгандек, унутмаслигимиз керакки, инсонга бошқа турли озуқалар ҳам зарур. Бу — фикр озуқаси, ақл озуқаси, сирасини айтганда, маънавий тириклигининг асосий омилдир.

Ўзи учун ёқимли, яхши куй-қўшиқни тинглаганда инсон баҳра олади, ҳузур қилади, бу эса унинг нафақат кай-

Шу суҳбатда бошқа бир киши эса бу таом ҳақидаги ўзи гувоҳ бўлган ҳодисани сўзлаб берди. Россияда юрган вақтлари улар бир украин йигит билан таомлар тўғрисида бахслашиб қолишди. Ўзбек йигити паловни роса мақтайди. Суҳбатдоши эса уни татиб кўриш истагини билдирди. Бундан мамнун бўлган ҳамюртимиз шу заҳотиёқ бу иш тайёргарлигига киришиб, тез орада қўлинг ўргилсин ўзбек паловини дастурхон устига қўяди. Ўз фикрлари тасдиғини топишига унинг ишончи комил эди.

Аммо бундай бўлмайди. Украин йигит палов ҳақида яхши фикрлар билдирди, маъна қилиб еганлигини айтди. Лекин сўзининг охирида бу егулик барибир украин боршининг ўрнини босолмаслигини айтди.

Шуни сўзлаб берган ҳамсуҳбатимиз даврага шундай савол ташлади: Ҳўш, айтинлар-чи, нега ўзбек паловни кўп ейди? Жавоблар: Яхши кўргани учун, албатта. Чунки ошпалов — энг зўр овқат, таомларнинг шоҳи. Яна савол: Демак,

энг зўр овқат эканлиги учун ўзбеклар паловни кўп ейишар экан-да? Шундайми? Жавоблар: Ҳа, албатта. Сўровчи эса шундай хитоб қилди: “Жавобларингиз нотўғри эмасдир? Аммо хулоса сифатида жавобларингизга салгина ўзгартириш киритамиз. Ўзбекман деган киши паловни яхши кўриши шу таомнинг жуда ҳам яхши эканлигидан эмас, балки...”

Савол берган киши атрофдагиларга маънодор қараб, жавобни давом эттирди: “... балки бошқа овқатлардан кўра уни кўпроқ ейиши сабабдир. Эҳ-ҳе, паловдан бошқа ширин-шакар, ажойиб егуликларимизнинг ҳам тури шунчалик кўпки...”

“Бунинг нима фарқи бор?” — деб кимдир савол ташлади. “Фарқи қатта, — деди даврамиз дониманди. — Қайси овқат турини кўпроқ истеъмол қилсанг, (миқдор жиҳатидан эмас, кўп марта) ўшанга ўрганиб қоласан, шунингдек, қайси иш билан кўпроқ шугуллансанг, ўшанга табиатинг кўпроқ мойил бўлиб бораверади...”

Кунига уч-тўрт маҳал овқатланиш инсон учун табиий биологик зарурат бўлганидек, шунча вақтда шунча маҳал эмас, аммо имкон борича мунтазам тарзда маънавий озуқа қабул қилиб туриш ҳам идрок ва фикр неъматига эга бўлганлиги боис бошқа жамики жонзодлардан фарқ қилувчи инсон учун сув ва ҳаводек зарур.

Овқатдан қорин тўйса, маълум вақт кўнгли егулики тусамайди. Лекин бошқаларни билмадим-у, мен ҳар сафар бир қизиқ китобни ўқиб чиққаннимдан сўнг унинг энг маъқул тушган жойларини қайта-қайта ўқишни хуш кўраман.

Таомларни еб тугатганимиздан сўнг тўймай қолсак ё кўшимча буюртма беришимиз ёки яна бошқасини тайёрлашимиз керак. Маънавий озуқани истеъмол қилиб бўлганимиздан, масалан, китобни ўқиб чиққаннимиздан сўнг у йўқ бўлмайди, ҳам фикримизда ўрнашади, ҳам қўлимизда турибди. Хоҳлаганча қайта ўқиш имкониятимиз бор. Баъзан мактабда ўқувчиларимга айтаман: “Битта музқаймоқнинг пулига кичкина бўлса-да битта яхши эртак китоб олиш мумкин. Музқаймоқни бир марта ялаб, еб тугатасиз. Аммо шундан қолишмайди ҳузур-ҳаловат манбан

бўлган китобни хоҳлаганингизча қайта-қайта ўқиб маъна қилишингиз мумкин”.

Китоб ўқишга одатланмаган кишилар бир нарсадан бебаҳра: унинг ҳузур-ҳаловатидан. Футбол ишқибозларининг шу ўйинни томоша қилиши ёки уни муҳокама қилишдаги завқ-шавқини ўйлаб кўринг. Бу ҳам шунга ўхшаш. Яхши китоб ёқимли мусиқа тинглаш, ажойиб рақсини томоша қилиш даражасидаги завқини эътиборга олмаган эмас, тўйгунча энг сара баракабоб ёйиш ҳузурини қувватини ҳам беради. Қадрини билган, муҳимлигини ҳис этган кишиларга, албатта.



Буюк адибимиз Абдулла Қодирий бир кун қайноғасидан “Ўткан кунлар”ни ўқидингизми?” — деб сўрайди. “Ҳа, почта, ўқидим” — деб жавоб беради у. Шунда адиб неча марта ўқиганини сўрайди. Бир марта, деган жавобини олгандан сўнг бу асарни фақат бир марта эмас, такрор-такрор, кўп марта ўқиш лозимлигини таъкидлайди.

Грузинлар орасида турмуш қураётган келин-куёв учун тайёрланаётган кийим-кечак ва бошқа совға-саломлар қаторига шу халқнинг ўтмишдаги буюк шоири Шота Руставелининг “Йулбарс терисини ёпинган паҳлавон” асарини қўшиб қўйиш одати бор экан. Келин-куёвнинг ёстиги тагига албатта шу китоб қўйилиши шарт экан. Бизда келин-куёвлар учун шунақам кўп нарсалар тайёрланади... Бу талаблар ортдан ортиб борди. Аммо улар ичидagina китоб тугул майдагина ёндафтар ёки оддийгина ручкаям йўқ. Ҳолбуки, янги келин-куёвлар учун жуда керакли ва зарур китоблар қўллаб наشر қилинмоқдаки, улар сира ҳам ноёб эмас, изланганга истаганча топасиз.

Китоб ҳаётимизга чуқур сингиб кетса, ўқиб туриш қундалик машғулотларимизнинг муҳим бир қисми сифатида одат тусига кирса, унинг чинакам қадрини ва шу билан бирга беқўс даражасидаги фойдасини ҳам била оламиз. Бунинг учун аввало нима қилишимиз, бу ишни нимадан бошлашимиз керак?

Жавоби эса оддий бўлса-да, ижроси ниҳоятда қийин: китоб сотиб олишга одатланишимиз лозим.

Ҳусниддин ФАЁЗОВ

Таассуф

риб қўйилган ҳолатда тушилан сурат кўрувчида қандай таассурот уйғотади? Инстаграм тармоғида қўйилган айрим суратлар тағидаги изоҳларни улар ўқияптимикан?

Билиб қўйинг, сиз Женнифер Лопес ёки Мерлин Монро эмасиз, сиз ўзбек фарзандисиз. Уларнинг аудиторияси, қарши, фикрлаши бошқача. Ижтимоий тармоқларга сурат қўйишдан олдин яна бир кўздан кечиринг уларни. Сизларга минглаб, миллионлаб кўз тиканлар борлигини унутманг. Санъатингизни овозингиз, ижро маҳоратингиз орқали кўрсатинг, аммо зинҳор қоматингиз орқали эмас.

Мўмин МИРЗО

Сиз ўзбек фарзандисиз

Ҳовлимизни тўлдириб дарахт экканман. Олма, ўрик, гилос, беҳа, анор, хурмо. Лекин тут экмадим. Экмаган бўлсам ҳовлимнинг жуда ноқулай жойидан ўсиб чиқди. Шу боис кесиб ташладим. Яна гўркираб ўсди. Яна кесдим ва бензин селиб олов қўйдим. Энди аниқ гулламайди, деб ўйладим. Йўқ, аксинча ўғит бериб, тагини юмшатадиган дарахтларим ўсмай, мутлақо эътибор бермайдиган тут дарахти авж олаверди. Бунинг сабабини боғбондан сўрадим. Унинг айтишича, ҳадеб ўша дарахтни чопиб ташлашман, кесиб ташлашимни у “меҳр” сифатид қабул қилар экан. Қўл теккан сайин ниҳол “семирар” экан. Токи унинг илдизини кўпориб ташламагунимча, у ўсишда давом этаверар экан.

Ўзбек шоу-бизнесининг бугунги ҳолатини шу “безбет” дарахтга ўхшатаман. Қанча танқид қилмайлик, бачкана қўшиқлар пайдо бўлмоқда. Жаҳонгир

Отажоновнинг жамоатчилик олдида ўзини ғалати туттишлари, ижтимоий тармоқлардаги бачкана қўшиқлари илдиз отавергар, унинг лезинзияси олиб қўй-

илди. Аммо қатта идоранинг бир раҳбари бу хонандани ёқлаб чиқди. Унинг бу “эътибори”дан чўчиди шекилли, “Ўзбекконцерт” тезла лицензияни қайтариб берди. Шу кунларда эса жаноб Отажонов одамнинг энсасини қотирадиган хатти-ҳаракатларини янада бойитиб, “янгича” кўринишларда намоён этмоқда. Гуёки “бопладимми”, дегандек.

Кўряписими, буларни қанча танқид қилсангиз, шунчалик авж олмоқда.

Аёл хонандаларнинг суратида эътибор беринг. Уларнинг миллионлаб мухлислари бор. Улар орасида ёш қизлар, келинлар бор. Шарм-ҳаё йиғишти-



Ўзбекистон ОТМларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича квота босқичма-босқич 2 бараварга оширилади.



“Бир миллион дарахт экиш” акцияси Бухорода ҳам қизгин давом этмоқда

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг замирида инсон манфаатлари устувор вазифа қилиб белгиланган. Шундай экан, фуқароларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, экология ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича қонунчиликни ривожлантириш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш, экологик хавфсизликни яхлит тарзда таъминлаш, маҳаллий экологик вазиятни яхшилаш орқали аҳолининг фаровонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Экологик партияси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айти юқоридаги мақсадларни рўйга чиқариш мамлакатнинг экологик сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга доир амалий ишларга бел боғлаб бу борада жамиятнинг барча кучларини сафарбар этиш партия фаолиятининг муҳим мезони ҳисобланади.



хавфсизликни қарор топтиришга қаратилган акция сифатида ўта муҳимдир.

Келинг, шу ўринда дарахтнинг биз билган жиҳатларига эътиборни қаратамиз. Дарахтнинг меваси ҳам, барги ҳам, ёғочи ҳам, қолаверса, новдаси ҳам инсон эҳтиёжи учун ишлатилади, ҳар бирининг ўз аҳамияти, шифобахшлик хусусиятлари бор. Дарахтлар карбонат ангидрид газини кислотадга айлантиради, ҳавони чанг ва

Инсоният ва табиатга салбий таъсири ошиб бораётган иқлим ўзгариши долзарб экологик муаммо сифатида борган сайин дунё халқларини ташвишга солиб бормоқда. Албатта, инсон бу каби долзарб муаммолар олдида қўл қовштириб турмай қулай

атроф-муҳит яратишга имкон қадар чора қўлламоқда. Бугун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Бир миллион дарахт экиш” шиори остидаги акцияси ана шундай амалий ишлар ифодасидир. Мазкур акция айти кунларда республикаимизнинг барча ҳудудид

бўлгани каби вилоятимизда ҳам ўзининг юқори палласига чиқмоқда. Ям-яшил ва кўркем ниҳоллар ўзгараётган юртимиз хуснига ҳус қўшмоқда. Энг муҳими, ёш авлод қалбид

тутундан тазалайди, юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларига нафақат кўрк, балки ёзнинг жазирама иссиқ кунларида қалбга ором бахш этади, жониворлар учун бошпана бўлиб хизмат қилади. Узоқ ўтмишдан бошлаб ҳозирги кунгача дарахтлар барча тирик мавжудотлар учун асосий ҳаёт манбаи ҳисобланган. Дарахтнинг яна бир муҳим аҳамияти, унинг оксиген моддасини ишлаб чиқариши ҳисобланади. Битта дарахт бир йилда 120 килограмм кислород ишлаб чиқаради. Бу тўрт нафардан иборат бир оилани тоза ҳаво билан таъминлаш учун етарли. Дарахтлар углерод оксиди ва карбон диоксидини ўзига жалб этиш ва уни оксигенга айлантириш билан барча тирик жонзотларнинг ҳаётларида муҳим роль ўйнайди. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда ер қуррасида яшаётган инсонларнинг оксигенга бўлган эҳтиёжларининг 60 фоизини дарахтлар таъминлайди.

Зеро табиат инъом этган яшил бойликлар инсониятнинг бебаҳо мулки, ноёб хазинасидир, уни асраб-авайлаш, эъзозлаш ва сақлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Амиршо РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Бухоро вилоят партия ташкилоти бош мутахассиси

Ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга катта эҳтиёж бор

1 март куни Ўзбек Миллий академик драма театрида “Жалолiddин Мангуберди” тарихий драмаси премьераси бўлиб ўтди. Ёзувчи Назар Эшонқул қаламига мансуб ва ёш, аммо бош режиссёр Асқар Холмўминов саҳналаштирган ушбу драма коллизияларга бойлиги, актёрлар ижросидаги монологу диалогларнинг таъсирчанлиги, воқеалар динамикаси билан олқишларга сазовор бўлди – спектакль тугагандан кейин ҳам 20 дақиқача қарсақлар тинмади.

Бундан томошабинлар Миллий театр саҳнаси яна бир бақувват спектакль билан бойиганини қутлагани баробарида залворли спектаклларни соғинганини илғаб олиш ҳам қийин эмас эди. Улар орасида «хонтахачи кино режиссёру драматурглар» ҳам бўлгани, ҳатто Назар Эшонқулни келиб табриклагани одам-

ни қувонтирди. Демак, улар ҳам энди томошабинни қайнона-келин

можароси билан алдаб бўлмаглигини англаб етган кўринади. Ажаб эмаски, бундан буён ўзлари сценарий ёзиб, ўзлари режиссёр бўлиб, ўзлари кино олишни бас қилиб, Назар Эшонқулдай миллатпарвар, оқу қорани танийдиган ёзувчиларга сценарийлар буюртма берса.

Масаланинг бошқа жиҳати бор.

Бугунги кунда кўплаб ватандошларимиз меҳнат мигрантлари бўлиб ёки бошқа сабабларга кўра, чет элларга чиқиб кетётган, яшаётган, мамлакатда қолганлари ҳам ташқи аҳборот, оммавий маданият, етакчи давлатларнинг таъсирига тушиб қолаётган пайт-



Таассурот

да — қизил гапдай туюлса ҳам айтаман — ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга жуда катта эҳтиёж бор. Токи миллий идентитетимизни таниб олмас эканмиз, гоҳ у, гоҳ бу «юмшоқ кучга эргашиб сарсон бўлиб юрaverамиз.

30 йиллик тарихимиз Ватанни «маънавиятчи»ларнинг ўзлари ҳам ишонмайдиган ва ҳаттоки тушунмайдиган лекциялари, байрам кунлари майдонлардан, саройлар саҳнасида янграётган «попса», «отам»даган хушомад шеърлар билан севдириб бўлмаглигини кўрсатди. Энди чин маънодаги

маданият, санъат ва адабиёт — ҳатто ижтимоий буюртма билан бўлса ҳам — қилиши керак бўлган ишни қуруқ сафсатадан иборат мафкура бажара олмаслиги, энди бизга мана шундай бақувват спектакллар, кинофильмлар, телесериаллар кераклиги аён бўляпти.

Дарвоқе, премьерадан сўнг ташқарига чиқиб, таниқли режиссёр ва спектаклга бадийий раҳбарлик қилган Олимжон Салимовни учратиб қолдик. У Назар Эшонқулни премьер

билан кутлар экан, «Уруш одамлари» ҳиссасини ҳам спектакль қиламиз, деб айтди. Демак, ёзувчининг театр билан ҳамкорлиги давомий бўлади, иншооллоҳ.

Яна бир гап. «Жалолiddин Мангуберди» тарихий драмаси премьераси кўкларнинг илк куну — 1 мартда бўлиб ўтгани рамз сифатида одамни яхши нарсалардан умидвор қилади.

ФАХРИЁР



АҚШда дунёдаги энг кучли суперкомпьютер — «El Capitan» яратилди.

Супер контракт

таълим сифати ошишига кафолат берадими?

ЮНЕСКО ва Жаҳон банки экспертларининг маълумотларига қараганда, ўтган минг йилликда ҳар бир фуқаро бошига тўғри келган энг юқори ялпи ички маҳсулот аҳолисининг 40-60 фоизи олий маълумотли бўлган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган.



қилинмоқда.

Учинчидан, «оширилган тўлов» қонун, Президентимизнинг фармони ёки Вазирлар Маҳкамасининг низоми билан бу борадаги ҳар бир ҳаракат қатъий, норматив тартибга солиниши ҳамда тез-тез ўзгармаслиги лозим. Ҳозирда амалда бўлган ОТМларга қўшимча қабул ҳақидаги низоมนинг 4-иловасига

“ Шу ўринда бир савол туғилади. Юқорида келтирилган даражага эришимиз учун «оширилган тўлов», махсус сиртки таълим, иккинчи мутахассисликларга қабулни кенгайтиришимиз лозими? Олий таълим тизимидаги ислохотлар йўналишларидан бири шулардан иборатми? ”

тартиб-қоида асосида ўтиш балидан 4-5 баллгача паст балл тўлаганлар орасида ҳал этилиб, унинг ягона қондаси четлаб ўтилмасдан, бу ҳақидаги буйруқлар ҳам ойлаб чўзилмасдан, 1 сентябрдан кеч бўлмаган муддатларда, ОТМнинг имконияти, режаси доирасида ҳал этилса, 56,7 фоиз ундан пастги, юқориси дейилганлардан воз кечилса, ўйлаймизки, бундан давлат ҳам, ўқишга кирувчилар ҳам фойда кўриши, ўқув жараёни анча тартибга тушиши мумкин. Ҳозирда бунга шароит бор, тест натижалари ўқиш бошланишидан анча олдин ОТМ

кўра, бу борадаги ариза давлат комиссиясига 15 октябрдан топширилиши, 20 октябрдан қарор чиқарилиши керак. Лекин бу жараён декабрь ойининг яримларигача ҳам давом этаверди. ОТМ тизимида идоравий қонуности ҳужжатларни қисқарттириш, такомиллаштириш керак. Бу эса ўқув интизоми бузилиши ҳолатларининг камайишига олиб келади. Ўқишга ҳужжатларни қабул қилиш жараёнидаёқ «оширилган контракт» тартиби, муддатлари, шартлари эълон қилиб қўйилса, шу йўлни танлашни хоҳлаганлар аввалдан тайёргарлик кўради.

Тўртинчидан, ушбу амалиётда ўқув-услубий ҳамда тарбиявий муаммолар ҳам бор. Ўқитувчи учун ноқулайроқ вазият, у ҳар сафар дарсга кирганда, янги талаба ўтирганини кўради. У машғулотлар мазмунини тушунмай, дарсга бефарқ ўтиради. Чунки бу вақтгача, баъзи дарсларнинг ярми ўтган, ҳатто тамом бўлган бўлади. Талаба 800-1000 соатга яқин дарс қолдирган бўлади. Агарда 70 соат дарс қолдирганлар, талабалар сафидан чиқарилса, курсда қолдирилса, қоидага кўра, зиддиятли бу ҳолатни қандай тушуниш керак?

Бешинчидан, «оширилган тўлов» асосида ўқишга кирганларга қолдирилган дарслар учун қўшимча дарс соатлари ҳам ажратилмайди, дарс ҳам ўтилмайди. Шунинг учун уларни қабул қи-

лиш умумий асосларда ўқув йили бошланишидан олдин бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, жуда паст натижаларни кўрсатиб, 2, 3 ойлардан кейин ўқишга қатнаша бошлаган талаба курсни ўзлаштира олмайди. Масалан, талаба Н. (2018 йил) 9 декабрь куни маъруза дарслари яқунлангач, дарсга қўйилди.

Баъзан босимни сезган ўқитувчи жавобларни кўчиртириб қутулади ёки тўхматлар остида қолади. Ўқитувчига қора чапганиб, «менга қасд қилипти», «адолати бор», «ҳуқуқимни бузмоқда» деб, «ҳомий» раҳбарлигида турли даражадаги идораларга аризалар билан мурожаат қилади. Маъмуриятга эса худди ана шу керак. Дарҳол мутахассис бўлмаганлардан комиссия тузилади, телефон ёки дарсликдан кўчиртирилади ёки вариант уйига бериб юборилади. Агар комиссия таркибидagi ўқитувчилар ҳам тўғри йўл тутсалар, ушбу ўқув курсини тугатиб юборишдаги ёки мансабдор ўзи ўқимаган курсдан ўша баҳони кўйиб ҳам юборлади.

Қизғи шундаки, бу ҳаракатлар ОТМдаги мавжуд қоидалар асосида эмас: «талаба шикоят қилиди», «адолатни тиклаш» ниқоби остида боради ва уни ҳеч ким, ҳеч бир назорат идораси текшириб кўрмайди ҳам, очмайди ҳам.


Еттинчидан, бундай «мехрибонликлардан баҳра олган «талаба» баъзан 3,5 йилда, баъзан 3 йилда, баъзан 2 йилда ҳам ҳомийлик остида диплом олиб, олий маълумотлилар сафига қўшилади.

Юқоридагилардан хулоса шуки, олий таълим олиш ҳамда олий маълумотлиларнинг сонини шу йўллар билан оширишда дипломлилар кўпайса-да, касб асосларини ўрганганлар кўпаймайди. Фикримизча, улар худди «тўп кулфига тушмаган ўқ-снарядга» ўхшайдилар. Бу ЮНЕСКО башоратидаги йўл эмас, балки ҳозирги кўринишдаги коррупция эҳтимоли йўлларидан бири. Баъзи мансабдорлар учун эса «бизнес майдончаси» бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин.

Машҳур университетлардан бирининг пештоқиға: «Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ радиусга таъсир қиладиган ракеталарга ҳожат йўқ. Фақат таълим сифати пасайтирилса ва имтиҳонларда талабаларга алдаш учун имконият яратилса бас. Бундай врачлар қўлига тушган беморлар ўла бошлайди. Бундай қурувчилар курган бинолар кулайди. Бундай иқтисодчилар ва ҳисобчилар қўлидаги пуллар изсиз йўқолади. Бундай уламолар туфайли инсонларда маънавият йўқолади. Бундай юристлар ва судьялар қўлида адолат йўқлик сари юз тутади. Қонун чиқарувчилар қўлида бошқарув йўқ бўлади», деб ёзилган.

Хуллас, агар «оширилган контракт» маъқул йўллардан бири деб ҳисобланса, уни ҳозирги кўринишда эмас, келтирилган ҳолатлар такомиллаштирилган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Зиёдулла МУҚИМОВ,
СамДУ профессори.



ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

Бosh муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Тахрир хайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Раҳмат Мамаатов
Ақтам Хайитов
Адхам Икромов

Газета тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-314 Адади: 1505.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 234-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Ўза яқини:
Топширилган вақти: 20.45
1 2 3 4 5 3



Йўл ҳаракати қоидаларининг 5.43 бандига кўра, радар ўрнатилган жойда “Радар” йўл белгиси бўлиши шарт.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ХАЛҚ БАНКИ:

Бугун рақамли иқтисодиёт ҳақида кўп гапирилмоқда. Унинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишдаги аҳамияти хусусида фикрлар билдириляпти. Хўш, рақамли иқтисодиёт нима ўзи? Мутахассислар фикрича, рақамли иқтисодиёт — бу иқтисодий, ижтимоий ва бошқа алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими. Яъни у ҳар бир соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, юртимизда жорий йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, дея ном берилгани бежиз эмас, албатта!

Айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банкларида аксарият амалиётлар рақамли тарзда олиб борилади, шу жумладан, акциядорлик тижорат Халқ банкида ҳам. Аммо бугунги давр рақамли тизимни янада кучайтиришни, банк амалиётларида инсон омиллини камайтириш орқали шаффофликни таъминлаш ишларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис сўнгги пайтларда Халқ банкида ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиб, мижозлар манфаати ва замон талабига мос хизматлар жорий этилмоқда. Яъни банк жамоаси мижозларга янада яқин бўлиш, уларни онлайн хизматлар билан таъминлаш ҳамда ўзаро ишончга асосланган алоқаларни янада мустаҳкамлашни ўз олдига устувор вазифа сифатида белгилаб олган. Жумладан, мавжуд 879 та банкومات 1 200 тага етказилди. 44 та “Банк хизматлари маркази” сафига яна 45 таси қўшилди. Бу, ўз навбатида, “Банк хизматлари маркази” ва банкوماتларда навбат кутишларни камайтириб, одамларга янада қулайлик яратди. Хизмат кўрсатиш сифатини оширди.

Шунингдек, янги хизмат турлари кўпайтирилиб, ҳозирги ҳар бир мижозга тўғри келадиган ўртача 1,3 та хизмат 3 тага етказилди. Иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида бугунги кунда пенсия тарқатиб келадиган сайёр кассалар орқали коммунал (электр энергияси, газ, сув) ва бошқа

турдаги чакана тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилди. Бу бюджетга тушадиган тушумларнинг кўпайишида ҳам асқотади.

Бундан ташқари, филиалларда мижозларни кутиб олиб, дастлабки маълумотларни берувчи “Ресепшн” ҳамда мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи “Чакана хизматлари бўлими” ходимлари учун “Бонус” тизими жорий қилинмоқда. Бу орқали ходимлар фаолияти нафақат рағбатлантирилади, балки масъулияти ҳам ошади. Қолаверса, сифатли хизмат кўрсатилишига эришилади.

“Режали тўлов” картаси



бўйича ҳамкор ташкилотлар сони 20 тадан 40 тага оширилди. Айнан “Режали тўлов” картаси ёрдамида аҳолининг маиший техника ва мебель жиҳозларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бари йил муддатга, фойсиз қарз маблағи ажратилади. Айтиш жоизки, ҳозир ушбу лойиҳа доирасида “Медиапарк”, “Техномарт” каби йирик маиший техника савдо тармоқлари билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўтказиб юборилган кўнгирик — ўтказиб юборилган имконият

“Xalq mobile” мобил иловасининг янги версияси жорий қилинади ва унинг афзалликларини мижозларга тарғиб қилган ҳолда фойдаланувчилар сонини 34 мингтадан 1,5 млн.тага етказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, чакана хизматлари кўрсатиш йўналишидаги мижозларга мўлжалланган “Интернет банкинг” хизмати йўлга қўйилди. Албатта, бу борада ходимлар малякасини ошириш, мижозларга масофавий хизмат кўрсатиш кўникмасини шакллантириш кўзда тутилган.

Узлуksиз хизмат кўрсатишнинг таъминлаш учун Жиззах шаҳрида “Call center” — мижозларга хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш режалаштирилган. Бу ерда эса банк ходимлари томонидан мессенжер, телефон, видеооёқ ва ижтимоий тармоқлар орқали мижозларнинг муурожаатлари қабул қилиниб, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида ишга туширилиши режалаштириладиган ушбу хизмат туфайли 100 кишининг бандлиги таъминланади.

Шу ўринда айтиш жоиз-

Инновацион ёндашувлар Ўзбекистон иқтисодиётига нима беради?

мат ўрнатилди ва 15 та “Банк хизматлари маркази” ва 5 та “Смарт офис”, яъни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш офисларини

қилиниб бошқа банклардан устуниги мамлакатимизнинг барча ҳудудида филиаллари мавжудлигидир. Мана шу им-

ташкил этиш орқали янги хизмат кўрсатиш каналлари кенгайтирилади.

Рақамли банк. У қандай бўлиши керак?

2020 йилда кичик бизнес ва хусусий талбиркорларнинг яқин кўмакчиси ва молиявий ҳамкорига айланиш банкнинг яна бир асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада талбиркорлик марказларини ташкил этган ҳолда, уларга молиявий ва юридик маслаҳатлар берилиб, консалтинг хизматлари кўрсатилади, молиявий саводхонлиги оширилади. Шу билан бирга, бизнес-режалар ишлаб чиқишда ёрдам берилди ёки тайёр бизнес-режалар билан таъминланади.

Янги, жозибдор кредит турлари жорий қилинади ва “Скоринг” тизимидан фойдаланган ҳолда кредит ажратиш жараёни тезлаштирилади. Кейинги босқичда мижозларимиз бўлган талбиркорларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш ва корпоратив мижозга айланишига кўмаклашиш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўшилади.

Талбиркорликни ривожлантиришда давлат дастурларини амалга оширишда “Кредит конвейери” асосида кредитлар ажратилади. Инсон омиллини камайтирган ҳолда, онлайн ҳужжатлар қабул қилиш йўлга қўйилди. Айни чоғда “Андеррайтинг” тизими орқали кредит ажратиш муддатлари қисқартирилади.

Корпоратив бизнесни ривожлантиришда индивидуал ёндашув йўлга қўйилди. Бунда 5-10 та корпоратив мижозга биттадан масъул менежер бириктирилади. Мижозларга индивидуал ёндашиш орқали ихтисослаштирилган ва инновацион банк хизмат турлари тақлиф қилинади. Уларнинг молиявий ҳолати чуқур ўрганилган ҳолда ўз вақтида зарур молиявий ресурслар билан таъминланади.

Умуман олганда, Халқ банкни трансформация қилишда 4 та устувор йўналиш — чакана хизматларни кенгайтириб, бозорни қамраб олиш, кичик бизнес ва талбиркорликни қўллаб-қувватлаш, корпоратив бизнесни ривожлантириш, инвестицион фаолиятни ташкил этиш белгилаб олинди.

Айтиш керакки, Халқ бан-

қониятдан фойдаланган ҳолда мижозларга кўрсатиладиган янги хизмат ва маҳсулотлар тури кўпайтирилади. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва трансформация қилишда жаҳоннинг етакчи ташкилотларидан газначилик, риск, бухгалтерия ва инсон ресурсларини бошқариш (HR) йўналишлари бўйича малакали мутахассислар, консалтантлар жалб қилинмоқда.

Айни пайтда жаҳоннинг етакчи банкларида трансформация жараёнларини амалга оширган Аҳмед Танвир Халқ банкининг Ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш департаментиди иш бошлади.

Айтиш керакки, ҳозирда дунё молия соҳасида катта тажрибага эга нуфузли мутахассисларни жалб қилиш борасида Халқ банки фаол музокаралар олиб бормоқда.

Энг илғор тизимлар мижозларга қулайликни таъминлайди

Хабарингиз бор, Халқ банкни узок йиллик тажрибага эга молия муассасаси ҳисобланади. Бутун мамлакатимизда ривожланиш шиддат билан кечмоқда. Мана шундай шароитда банклардан ҳам шароитга мос тарзда ривожланиш талаб этилади. Шунини инобатга олган ҳолда 2020 йилда ахборот-технологияларини жорий қилиш орқали банкнинг ягона корпоратив тармоғини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, “IP телефония” тизимини жорий қилиш ҳамда маълумотлар базасини сақлаш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган сервер қурилмаларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон стандартлари талабларига мос дастурий тизимларни Халқ банкни фаолиятида қўллаш орқали замонавий рақамли банкка айлантириш мақсад қилинган.

Буларнинг бари, табиийки, янгиланаётган Халқ банкнинг халқ орасига янада чуқурак кириб бориб, мижозлар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайтиришга ҳамда мамлакатимиз банк-молия соҳасининг рақамли тизимга ўтишига мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Банк Ахборот хизмати.

2020 йил 1 июндан бошлаб аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган банк хизматлари сифати янада оширилади.

